



«ЎЗБЕКЭКСПЕРТИЗА» АЖ
ХОДИМЛАРИНИНГ
ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ

№ КҚБТ - _____
Тахририяти: _____
Сана: 25.10.2022 й.
9 дан 1-варағи

«Ўзбекэкспериза» АЖнинг
2022 йил 25 октябрдаги
109-к/п-сонли буйруғи билан тасдиқланган

«ЎЗБЕКЭКСПЕРТИЗА» АЖ
ХОДИМЛАРИНИНГ
ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ

КҚБТ - _____

Ишлаб чиқилган:

Ходимлар бўлими бошлиғи

 Г.Алиева

2022 й. « 25 » 10. _____

№ КҚБТ _____

Бошқариладиган мисол

_____ (нусха №)

_____ (маъсул ходимининг асл имзоси)

Маълумот нусхаси

(фақат маълумот учун)



«ЎЗБЕКЭКСПЕРТИЗА» АЖ
ХОДИМЛАРИНИНГ
ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ

№ КҚБТ -
Тахририяти: _____
Сана: 25.10.2022 й.
9 дан 2-вараги

I - боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу “Ўзбекэкспертиза” Акциядорлик Жамияти (кейинги ўринларда “Жамият” деб юритилади) ходимларининг “Одоб-ахлоқ қоидалари” (кейинги ўринларда “Қоидалар” деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори 1-илова “Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқнинг Намунавий Қоидалари”га асосан ишлаб чиқилган ва эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар, Жамият ходимларининг касбий одоб-ахлоқининг умумий тамойиллари ва хизматдаги хулқ-атворининг умумий қоидалар мажмуини ифодалайди.

Одоб-ахлоқ қоидалари ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, Жамият ходимларининг юксак ҳуқуқий онги, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, Жамият ходимлари хизматида юксак касбий маданиятни шакллантириш, уларнинг ахлоқ қоидаларига зид бўлган хатти-харакатларнинг олдини олишга қаратилган, шунингдек ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган.

2. Жамият ходимлари ўз касбий фаолиятини қуйидаги тамойиллар асосида амалга ошириши шарт:

- қонунийлик;
- фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;
- ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидоийлик;
- давлат ва жамият манфаатларига содиқлик;
- адолатлик, ҳалоллик ва холислик;
- коррупциявий ҳолатларга муросасиз муносабатда бўлиш ва қарши курашиш;
- манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик;
- мансаб ваколатларини суистеъмол қилмаслик;
- хизмат сирини қатъий сақлаш.

3. Жамият ходимлари меҳнат фаолияти давомида ва ишдан ташқари вақтда хулқ-атворнинг қуйидаги умумий қоидаларига амал қилиши лозим:

- Жамият ходимининг обрўсига путур етказиши мумкин бўлган хатти –харакатлардан тийилиш, ахлоқ нормаларига доимий риоя қилиш;
- маъсулият, касбига садоқат ва ҳалолликни кундалик шиорига айлантириш;
- мураккаб вазифаларни бажаришда ҳамкасбларига қўмаклашиш;
- хушмуомалалик, эътиборлик ва хушёрлик билан миждозларда давлатга, Жамиятга нисбатан ишонч ва ҳурмат ҳиссини уйғотиш;
- оиласида соғлом муҳитни таъминлаб, оила аъзоларига доимий ғамхўр бўлиш, фарзандларда ватанпарварлик ва бошқа юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш;
- миждозларнинг ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи ва бошқа омиллардан қаъти назар, улар билан бир хил, самимий, одоб доирасида муносабатда бўлиш;
- жамиятда ахлоқнинг умумэтироф этилган қоидаларига амал қилиш.



**«ЎЗБЕКЭКСПЕРТИЗА» АЖ
ХОДИМЛАРИНИНГ
ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ**

**№ КҚБТ -
Тахририяти: _____
Сана: 25.10.2022 й.
9 дан 3-варағи**

4. Жамият ходимлари ўз ваколатларини амалга ошираётганда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги буйруқлари, фармойишлари, ушбу Одоб-ахлоқ қоидаларига ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

5. Жамият миждозлари жамият ходимларидан мазкур қоидаларга мос бўлган касбий маданиятини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. Жамият ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши уларнинг фаолияти ҳамда хизматдаги ахлоқини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

Жамият ходимлари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиниши ҳолати уларни келгусида юқори лавозимларга тайинлаш ва раҳбар кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

II – боб. Касбий маданиятга оид умумий одоб-ахлоқ қоидалари

7. Жамият ходимлари:

- Жамият миждозларнинг жинси, ирки, миллати, фуқаролиги, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи камситилишига олиб келувчи таъсир чоралари ва ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)га йўл қўймаслиги;
- ҳалол, адолатли ва камтар бўлиши, миждозлар билан мулоқотда хушмуомала, вазмин ва самимий муносабатни намойиш қилиши;
- ўзининг хатти-ҳаракати ва ахлоқи туфайли жамоатчиликнинг танқидига учрамаслик чораларини кўриши, танқид учун таъқибга йўл қўймаслиги. Асосли танқиддан ўз фаолиятидаги камчиликлар ҳамда нуқсонлари бартараф этиш йўлида фойдаланиши;
- Жамият миждозларга ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда шахсий масалалар юзасидан таъсир ўтказмаслиги, улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олмаслиги;
- Жамият мулкнинг бут сақланишини таъминлаши. Ўзига ишониб топширилган жамият мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши;
- хизмат интизомига қатъий риоя қилиши, иш вақтидан оқилона ва самарали фойдаланиши;
- Жамият миждозларига кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириб бориш чораларини кўриш;
- қонун билан интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик назарда тутилган ҳуқуқбузарлик ва бошқа хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги;
- касбий этикаси ва ишчанлик услубига риоя этиши.

8. Жамият раҳбар ходимлари ўзига бўйсунувчи ходимлардан улар меҳнат вазифасини бажараётган пайтда бошқа фаолият билан шуғуллунишини талаб қилишига йўл қўйилмайди.

III – боб. Хизмат фаолиятига оид одоб-ахлоқ қоидалари

9. Жамият ходимлари хизмат фаолияти давомида қуйидагиларга мажбур:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига сўзсиз риоя этиши;



**«ЎЗБЕКЭКСПЕРТИЗА» АЖ
ХОДИМЛАРИНИНГ
ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ**

**№ КҚБТ -
Таҳририяти: _____
Сана: 25.10.2022 й.
9 дан 4-варағи**

- мамлакат шаънини эъзозлаш, давлат сиёсатига содиқ бўлиш;
- хизмат вазифаларини бажаришда давлат принциплари ва талабларига қатъий риоя этиш;
- ўз хизмат вазифаларини виждонан, юксак касбий даражада бажариш, расмиётчилик, сохтакорлик ва суистеъмолчиликка йўл қўймаслик;
- хизмат мажбуриятларини самарали бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни доимий асосида ошириш;
- юқори давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда Жамият бош директорининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари ҳамда берилган топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;
- ўз фаолиятини қонун ҳужжатлари ва ички ҳужжатларда белгиланган лавозим ваколатлари доирасида амалга ошириш;
- ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, ҳамкасбларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик;
- ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилувчи бирор-бир шахсий, мулкӣ ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларга барҳам бериш;
- Жамият ходимининг обрўсига путур етказиш мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилиш, ахлоқ нормаларига доимий риоя қилиш;
- мураккаб вазифаларни бажаришда ҳамкасбларига кўмаклашиш;
- норматив-ҳуқуқӣ ҳужжат ва идоравӣ ҳужжатларда белгиланган чеклашлар ва таъқиқларга риоя қилиш, ўз хизмат вазифаларини оғишмай бажариш;
- Жамият миҳозлари билан муомала қилишда тўғрилик ва эҳтиёткорликни сақлаш;
- Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар халқларининг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш, турли этник, ижтимоӣ гуруҳлар ва конфессияларнинг маданий ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш, ижтимоӣ барқарорликка, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликка кўмаклашиш;
- ўзларининг хизмат вазифаларини виждонан бажаришга шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилиш, шунингдек ўз обрўси ёки Жамият нуфузига зарар етказиши мумкин бўлган зиддиятли вазиятларга йўл қўймаслик;
- Жамият ходимлари, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда таъсир кўрсатиш учун ўз хизмат мавқеидан фойдаланмаслик;
- Жамиятда хабарларни ва хизмат ахборотларини тақдим қилишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш;
- иш вақтида шахсий ишлар билан шуғулланмаслик, шахсий сабабларга кўра иш жойини тарк этмаслик;



**«ЎЗБЕКЭКСПЕРТИЗА» АЖ
ХОДИМЛАРИНИНГ
ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ**

**№ КҚБТ -
Тахририяти: _____
Сана: 25.10.2022 й.
9 дан 5-варағи**

- ҳар қандай қонунбузилишига, коррупция ҳолатларига қарши курашиши ва уларнинг профилактикасига фаол қўмаклашиши;
- мамлакат шаънини эъзозлаш, давлат сиёсатига содиқ бўлиш;
- ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан сақланиш;
- хизмат мажбуриятларини самарали бажариш учун зарур бўлган билим кўникмаларни доимий асосда ошириш;
- хизмат сафарлари, назорат тадбирлари давомида меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай турдаги сарф-харажатларни бошқа шахслар ҳисобидан амалга оширмаслик;
- ахборотларни тарқатиш қоидаларига риоя қилиш, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг белгиланган тартибига амал қилиш;
- бириктирилган хизмат компьютеридаги хизматга оид маълумотларнинг хавфсиз таъминлаш ва уларни бошқа шахсларга тарқатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;
- ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар фаолиятини муҳокама қилмаслик, ахлоққа зид ибораларни ишлатмаслик, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга нисбатан одамларга ишончсизлик кайфиятини юзага келтириш мумкин бўлган маълумотларни жойлаштирмаслик;
- меҳнат ва ижро интизоми, ички тартиб қоидаларига, шунингдек телефонда сўзлашиш ва кийиниш маданиятига қатъий риоя этиш;
- ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиш;
- жамоада соғлом маънавий муҳитни сақлаш чораларни кўриш;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳамда муддатларда қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилиш;
- меҳнат жамоасида ишчанлик муҳитини шакллантириш ва уни мустаҳкамлашга қўмаклашиш;
- ҳамкасбларнинг шаъни ва кадр-қимматини обрўсизлантирадиган шахсий ва касбий фазилатларини муҳокама қилишдан ўзини тийиш, уларнинг кадр-қимматига доғ туширувчи маълумотлар, тухмат, иғво ва уйдирмаларни тарқатмаслик.

10. Жамият бош директори ва раҳбар ходимлар қўйидагиларга мажбур:

- бўйсунувидаги ходимларига профессионализм, ҳалоллик, холислик ва адолатликда ўрнатилган бўлиш;
- жамоада соғлом маънавий муҳит ва ишчан кайфиятни шакллантириш;
- Жамият ходимларини қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ундамаслик ҳамда улардан бундай ҳаракатларни бажаришни талаб қилмаслик;



**«ЎЗБЕКЭКСПЕРТИЗА» АЖ
ХОДИМЛАРИНИНГ
ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ**

**№ КҚБТ -
Тахририяти: ____
Сана: 25.10.2022 й.
9 дан 6-варағи**

- кадрларни маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчилик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш, тайинлаш ёки тавсия этишга йўл қўймаслик;
 - жамоада гуруҳбозлик ва фаворитизм (айрим ходимларни яқин олиш ва қўллаб-қувватлаш) кўринишларига йўл қўймаслик, шунингдек, хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг олдини олиш;
 - Жамият ходимларининг фаолиятига баҳо беришда қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилиш;
 - Жамият ходимларининг томонидан коррупция ва бошқа суистеъмолчиликлар содир этилишнинг олдини олиш чораларни кўриш;
 - бўйсунувидаги ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш чораларни кўриш;
 - ваколати доирасида шартномалар тузиш, танловлар ўтказиш ёки розилик бериш масалаларига ҳолис, адолатли ва қонуний ёндашиш;
 - ходимлар қонунчиликнинг бузилиши фактлари тўғрисида мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикр ва мурожаатдаги танқиди учун, худди шунингдек бошқача шаклда танқид қилганлиги учун ишдан бўшатилишига ёки бошқача шаклда таъқиб қилинишига йўл қўймаслигини таъминлаш;
 - бўйсунувчи ходимлардан уларнинг хизмат вазифалари доирасидан чиқиб кетадиган топшириқларни бажаришини талаб қилмаслиги, шунингдек қонунга ҳилоф хатти-ҳаракатларни содир этишга ундамаслик;
 - манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чоратadbирлар кўриш;
 - коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриши керак.
- 11. Жамият бош директори ва раҳбар ходимлари бўйсунувидаги ходимларга қўпол муомалада бўлиши, ҳақорат қилиши, шахсиятига тегиши, уларга ассосиз танбех бериш ёки айблаши ҳамда камситиши қатъий тақиқланади.**

IV-боб. Хизматдан ташқари одоб-ахлоқ қоидалари

12. Жамият ходимлари ишдан бўш вақтларида умумқабул қилинган ахлоқ нормаларига риоя қилишлари ва уларга зид бўлган ҳулқ-атвор ва хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийишлари шарт.

13. Жамият ходимлари ишдан ташқари вақтида куйидагиларга мажбур:

- миллий урф-одат, қадрият ва анъаналарга ҳурмат билан муносабатда бўлиш;
- дабдабазлик, шўхратпарастлик, гуруҳбозлик, маишатбозлик, ичкиликбозлик ва бошқа салбий иллатларга йўл қўймаслик;
- жамоат жойларида (кафе, ресторан ва бошқа кўнгилочар масканларда) ўзини тутиш қоидаларига риоя этиш, атрофдагиларнинг эътиборини тортувчи ортиқча ва салбий ҳаракатларга йўл қўймаслик;



**«ЎЗБЕКЭКСПЕРТИЗА» АЖ
ХОДИМЛАРИНИНГ
ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ**

**№ КҚБТ -
Тахририяти: _____
Сана: 25.10.2022 й.
9 дан 7-варағи**

- жамоат тартиби ва ҳавфсизлигига қарши қаратилган хатти-ҳаракатларни содир этмаслик, мазкур ноқонуний ҳаракатларга бошқаларни жалб этмаслик ёки даъват қилмаслик;
- ўз хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган жисмоний ёки юридик шахслардан ҳар қандай моддий бойликлар ёки бошқа фойдаларни қабул қилмаслик;
- хизмат гувоҳномаларини сақлаш ва фойдаланиш тартибига қатъий риоя этиш, улардан хизматга алоқадор бўлмаган ҳолатларда фойдаланмаслик;
- хизмат автотранспорт воситаларидан хизмат фаолиятидан ташқари ҳолатларда шахсий ва бошқа мақсадларда фойдаланмаслик;
- иш фаолияти билан боғлиқ маълумотларни ишга алоқадор бўлмаган бошқа шахслар иштирокида муҳокама қилмаслик;
- шахсий транспорт воситаларидан фойдаланишда белгиланган тартибга амал қилиш, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этиш;
- Жамият фаолиятига доғ туширувчи хатти-ҳаракатлардан тийилиш;
- ташқи кўринишини белгиланган меъёрлар доирасида сақлаш, камтарона кийиниш, атрофдагиларнинг эътиборини ўзига ортиқча жалб қиладиган тарзда кийинмаслик.

**V-боб. Жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан
муносабатларга оид одоб-ахлоқ қоидалари**

- 14.** Жамият ходимлари оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиши, Жамиятнинг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритилишига кўмаклашиши керак.
- 15.** Давлат сиёсати ёки Жамият фаолияти тўғрисидаги оммавий баёнотлар Жамият раҳбари ёки мазкур йўналиш бўйича маъсул ходим томонидан амалга оширилади.
- 16. Куйидаги ҳолларда оммавий баёнот берилиши мумкин эмас:**
- оммавий баёнот матни ва мазмуни давлат сиёсати ёки Жамият фаолиятига алоқадор бўлмаса;
 - оммавий баёнотда келтириладиган ахборотлар давлат сирлари билан боғлиқ бўлса;
 - оммавий баёнот бошқа ташкилотлари нуфузини пасайтириш ёки уларнинг мансабдор шахсларини камситишга йўналтирилган бўлса.
- 17.** Жамият фаолиятида жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида жамоатчилик томонидан Жамият фаолиятига оид айблов ёки танқид билдирилган тақдирда, бошқа ташкилотлари унга нисбатан билдирилган айблов ёки танқидга оммавий изоҳ, ёҳуд раддия бериши лозим.
- Агар оммавий баёнотда Жамият ходимларининг шаъни ҳамда кадр-қимматини камситадиган иборалар бўлса, бошқа ташкилот ўз фикрларининг янглишлиги ёки нотўғрилигини тан олиши ҳамда шаъни, кадр-қимматига ва ишчанлик обрусига даҳл қилинган фуқародан, агар қонун ҳужжатларида бошқа оқибатлар назарда тутилмаган бўлса, кечирим сўраши шарт.



**«ЎЗБЕКЭКСПЕРТИЗА» АЖ
ХОДИМЛАРИНИНГ
ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ**

**№ КҚБТ -
Тахририяти: _____
Сана: 25.10.2022 й.
9 дан 8-вараги**

**VI-боб. Хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниш ва кийиниш услубига оид
одоб - ахлоқ қоидалари**

18. Жамият ходимларининг хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниши ва кийиниш услуби “Ўзбекэкспертиза” АЖ фаолиятига ҳурматини, шу жумладан давлат хизматининг нуфузини оширишга хизмат қилиши керак.
19. Жамият ходимининг ташқи кўриниши меҳнат шароитлари ва хизмат турига қараб, хизмат мажбуриятларини бажариши вақтида мижозларнинг Жамиятга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига кўмаклашиши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши ва расмийлик, холислик, камтарлик ва интизомни намоён этилишни лозим.
20. Жамият ходимларининг иш жойида ташқи кўриниши ва кийиниш услубига оид қўшимча талаблар ички меҳнат тартибида белгиланиши мумкин.

VII-боб. Манфаатлар тўқнашуви

21. Жамият ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймасликлари керак.
22. Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда Жамият ходимлари ўз раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак.
23. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни олган Жамият бош директори уни тартибга келтириш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши керак.

VIII-боб. Жамият ходимларининг манфаатини ҳимоя қилиш

24. Жамият ходимларни хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ таҳдид, ҳақорат, тўхмат ва қонунга ҳилоф бошқа хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш Жамият раҳбари томонидан амалга оширилади.
25. Зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга тусқинлик қилиш, жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этишга оғдиришга қаратилган мурожаатлар, шунингдек, ҳамкасблари томонидан содир этилган ёки содир этишга тайёргарлик қурилаётган қонунбузилишлар ҳақида хабар берган ходимларни вужудга келиши мумкин бўлган таҳдид ва хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш чоралари кўрилади.

IX-боб. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш

26. Жамият ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назорат Ходимлар бўлими ёки Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан амалга оширилади.
27. Жамиятда лавозимга тайинланган ходимлар Ходимлар бўлими томонидан мазкур Одоб-ахлоқ қоидалари билан тилхат асосида имзо қўйдирган ҳолда таништирилади.



**«ЎЗБЕКЭКСПЕРТИЗА» АЖ
ХОДИМЛАРИНИНГ
ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ**

**№ КҚБТ -
Тахририяти: _____
Сана: 25.10.2022 й.
9 дан 9-варағи**

28. Мазкур Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича хизмат текшируви Жамият раҳбарининг кўрсатмасига мувофиқ Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан ўтказилади.

Хизмат текширувини ўтказиш тартиби Жамият томонидан белгиланади.

Х-боб. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун жавобгарлик

29. Жамият ходимлари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик ҳолати уларга нисбатан ахлоқий ва интизомий таъсир чораларини қўллаш учун асос бўлади.

30. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан Жамият ходимларига қуйидаги ахлоқий таъсир чоралари қўлланилади:

- огоҳлантириш;

- узр сўраш ёки расмий узрнома келтиришни талаб қилиш;

- Жамият коллегиял йиғилишларида танбех бериш.

31. Одоб-ахлоқ комиссияси Жамият ходимига нисбатан интизомий таъсир чорасини қўллаш учун Жамият раҳбарига тақдимнома киритиши мумкин.

Одоб-ахлоқ комиссияси одоб-ахлоқ қоидалари Жамият раҳбари томонидан бузилган тақдирда, уларга нисбатан тегишли чора кўриш масаласи юзасидан тақлифларни юқори турувчи ташкилот раҳбарига юборади.

32. Давлат хизматчисининг Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши уларни конунга мувофиқ интизомий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.